

УДК:551.4

Назаров Х.Т., Самарқанд давлат университети
Халилов Х.Т., Қоракулчиллиги ва чўл экалогияси илмий-тадқиқот институти
Жўраев Ж.С., Самарқанд давлат университети
Муминжонова С., Самарқанд давлат университети
НУРОТА ТОҒ ОЛДИ ЛАНДШАФТЛАРИДА ЯЙЛОВЛАР ИНҶИРОЗИННИНГ
ОЛДИНИ ОЛИШ МАСАЛАЛАРИГА ОИД.

Аннотация: Мақолада Нурота адиrlари яйловларининг инсон фаолиятининг таъсири натижасидаги кучли инҷирозга учраганлиги ва инҷироз жараёнларининг олдини олиш ҳамда яйловлар ҳолатини яхшилашда истиқболли яйлов ўсимликларидан фойдаланиш масалалари баён қилинган.

Калит сўзлар: Адир, табиий яйлов, сунъий яйлов, буталар, ярим бутлар, кўп йиллик ўтлар, фитомелиорация.

Nazarov X.T, Samarkand State University

Khalilov X.T, Research Institute of Karakul and Desert Ecology

Juraev J.S, Samarkand State University

Muminjanova S., Samarkand State University

**ON THE ISSUES OF PREVENTING THE PASTURE CRISIS IN NUROTA
MOUNTAIN LANDSCAPES.**

Annotation: The article describes the severe crisis of the pastures of the Nurata hills as a result of human activities and the use of promising pasture plants to prevent crisis processes and improve the condition of pastures.

Keywords: Adir, natural pasture, artificial pasture, shrubs, semi-shrubs, perennial grasses, phytomelioration.

Мавзунинг долзарблиги: Чўл ва адир яйловлари Республикализ яйлов фондининг асосий қисмини ташкил этиб унда чорва моллари йил давомида боқилади.

Маълумки чорва моллари йиллик озуқа захираларининг 65-75 фоизи доирасида фойдаланган тақдирдагина яйлов ўсимликлари мўтадил қайта тикланиш ва хосил тўплаш қобилиятига эга. Бу жараёнининг бузилиши эса ўт-ўланларининг

сийраклашишига, ўз уруғи, куртакларидан қайта тикланишнинг кучсизланишига, оқибат натижада яйловлар махсулдорлигининг камайишига олиб келади. Шунингдек, табиий яйловлар хосилдорлиги об-ҳаво шаройтлари билан бевосита боғлиқ бўлиб, нафақат йиллар балки йил мавсумлари бўйлаб ҳам ўзгариб туради. Чунончи, яйловдаги озуқа миқдори қиши мавсумига келиб 2-2,5 маротаба камаяди. 100 кг озуқаси таркибида баҳорда 70-80 озуқа бирлиги мавжут бўлса, қиши мавсумида бу кўрсатгич 18,3 % дан ортмайди. Бундай салбий холатлар аҳоли нисбаттан зич яшайдиган адир минтақасида кўпроқ кузатилмоқда. Бунинг асосий сабаби аҳоли сонинг ортиб бориши ва шунга боғлиқ равишда антропогин соннинг кучайиши билан боғлиқ. Чорва моллари сонинг тобора ортиб бориши ҳамда тартибсиз боқилиши бута ва ярим бута ўсимликларининг хўжалик эҳтиёжлари учун аёвсиз ишлатилиши, ҳар-хил техногин омиллар туфайли инқироз жараёнлари кундан-кунга кучаймоқда. Шу боис инқироз жараёнларининг олдини олиш учун яйлов холатини яхшилаш ва хосилдорлигини оширишга қаратилган фитомилиоратив тадбирларни амалга ошириш ўта долзарб муаммоларданбири хиссобланади.

Тадқиқот манбаи ва услублари. Тадқиқот манбаи сифатида Нурота адирларининг оч бўз тупроқлари, эфемер-эфемероид типли яйлов майдонлари, шунингдек бута ярим буталар ва кўп йиллик ўтлардан иборат истиқболли фитолиморантлар танланди.

Режалаштирилган дала тажрибалари биометрик ўлчовлар, озўқа заҳиралари тўплаш жараёни ва бошқа туркум масалалар ўсимликшунослик геоботаникада умум қабул қилинган. Услуб (1) дан фойдаланиш асосида амалга оширилди.

Тадқиқот натижалари ва уларнинг таҳлили. Тадқиқотлар Нурота тоғ тизмаларининг тоғ олди майдонларида олиб борилди, Нурота тоғлари Помир-Олой тоғ тизмасининг энг ғарбий қисми ҳиссобланиб, улар шимол ва шимолий-ғарбдан Қизилқум чўли билан чегарадош, шарқда эса Туркистон тизмаси билан қўшилган. Иқлими кескин континентал ва қурғоқчил куп йиллик ўртача ҳарорат $13,8^{\circ}\text{C}$ бўлиб ўзгарувчан абсолют максемум $+46,7^{\circ}\text{C}$ ва абсолют минимум -24°C атрофида қайд этилган. Ўртача кўп йиллик ёғингарчилик миқдори 206 мм бўлиб асосан қиши ва

баҳор мавсумларида кузатилади. Ҳавонинг йиллик ўртача нисбий намлиги 35,4 % ни ташкил этади.

Нурота адиrlарининг тупроғи оч ва типик буз тупроқлар бўлиб, унда майда заррали соз ва пишиқ таркибли ётқизиқлар тупроқ ҳосил қилувчи жинслар ҳисобланади.

Ўсмиликлар қоплами асосини ранг, қўнғирбош, читирлар, нўхатак, ялтирибош, арпағон, карралар, қирқасоч, кўзиқулоқ, шувоқлар, янтоқ ва чорва моллари томонидан қониқарсиз истеъмол қилинадиган исириқ аччиқмия ва бошқалар ташкил этади.

Нурота тоғ тизмаларига кирувчи Оқтоғ тоғ олди майдонларида олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, тоғ этакларидаги қишлоқлар аҳолисининг кўпайиши уларда чорва молларининг кўпайишига сабаб бўлмоқда, натижада чорва моллари яйловда мол боқиши сифимиға нисбаттан 4-5 маротаба ортиқ боқилмоқда. Бу ҳолат яйловларда кучли инқироз жараёнларини келтириб чиқармоқда. Ушбу масалага аниқлиг киритиш учун ушбу ҳудудда 4 йил давомида табиий яйловлар ҳосилдорлигини аниқладик. Бута, ярим бута, йирик пояли утчили турлар ҳосилдорлигини аниқлаш учун "Трансект" услугидан утчили ўсимлик турлари ҳосилдорлигини аниқлаш учун майдончалар (1×1 м миқ рамкачада) услугидан фойдаландик. Тадқиқотлардан маълум бўлдики ўртача қум йиллик 3,0 ц/га ни (куруқ хашак ҳисобида) ташкил этди. Ушбу ҳудудда чорва молларининг қишлоқлардан бир кунлик узоклашиб бориши 6 км ни ташкил этади. Чорва моллари кун буйи яйловда боқилади ва кеч бўлгач қишлоққа хайдаб келинади шунингдек чорва молларининг энг кўп боқиладиган қисми қишлоқларга яқин 2-3 км масофадаги яйловлар ҳисобланади. Ушбу майдонларнинг ўртача кўп йиллик ҳосилдорлиги эса бор йўғи 1,5-2,0 ц/га ташкил этди холос.

Маълумки бир бош қоракўл қўйи учун йил давомида 9 цинтинер пичан (куруқ хашак) ёки озуқа бирлигига ҳисобласак 425 озуқа бирлиги талаб этилади. Сигир, от, тую учун бу кўрсатгич қоракўл қўйига нисбаттан 6 баробар кўп яъни 54 цинтинирга teng. Оқтоғ тоғ олди яйловларидаги ҳосилдорлик 3 ц/га ни ташкил этса демак бир бош қоракўл қўйи учун 3 гектар яйлов майдони керак бўлади.

Ваҳолангки Оқтоғ этакларидаги яйловларда боқиладиган чорва молларининг сони талаб этиладиган меъёrlарига нисбаттан 5-6 маротаба кўпdir. Шунинг учун Оқтоғ этакларидаги табиий яйловларида фитомелорация ишлари олиб борилиши яъни юқори ҳосили сунъий яйловлар барпо этилса чорва моллари учун етарли даражада ем-хашак етиштириш мумкин.

Қоракўлчилик ва чўл экалогияси илмий тадқиқот институтининг "Нурота" тажриба даласида олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, таббий яйловларнинг ҳосилдорлигини оширишни кўп таркибли агрофитоценозлар (бирқанча ўсимлик турлари аралашмаси) барпо этиш орқали амалга оширилиши мақсадга мувофиқлиги исботланди. Бунда ҳар-хил варианtlар (Б 50%+ЯБ25%+Ў25%: Б25%+ЯБ50%+Ў25%: Б25%+ЯБ25%+Ў50%) синаб кўрилиб энг қулай вариант буталар 25%+яrim буталар50%+ўтлар25% эканлиги аниқланди. Тадқиқотларда барпо этилган агрофитоценозлардаги ҳарбир ўсимлик турининг яшовчанлиги ўсиши ва ривожланиши, ҳосилдорлиги аниқланди, шунингдек гектар ҳисобида ялпи ҳосилдорлик қайд этилди. Яйлов озуқабоп ўсимликларнинг ўсиши ҳосилдорлиги улар вегетациясининг 4-йилда энг юқори поғонасига чиқади, кейинги йиллардаги ўсиш ривожланиш ва ҳосилдорлик кўрсаткичлари об-ҳаво шаройтларига боғлиқ равишда кўброқ ёки камроқ бўлишини назарда тутиб уларнинг хўжаликбоб хусусиятлари кўрсатгичларининг 4 йил вегетация даврини (жадвалда) таҳлил қиласиз.

Жадвал маълумотларига кўра ўсимликларнинг яшовчанлик кўрсатгичлари 63,8-73,4% ортиғида бўлиб ушбу кўрсатгичлар қурғоқчил шаройтида усуви яйлов озуқабоп ўсимликлари учун меъёрий ҳисобланади ва танлаб олинган ўсимлик турларининг қурғоқчил шаройтга мос эканлигидан далолат бермоқда.

Агрофитоценозлар таркибидаги ўсимликларнинг бўйи вегетациясининг 3-йилида ўсимлик турлари бўйлаб 69,3-129,4 см ни ташкил этди. Ушбу кўрсатгичлар уларнинг таббий холда ўсаётган манзилидагидан икки баробар ортиқ эканлиги қайд этилди.

Яйлов агрофитоценозлар таркибидаги ўсимликларнинг хўжалик боб хўсусиятлари (ўсимликлар вегетациясининг 4/2020) йилги.

Нурота тажриба даласи:

Ўсимликларнинг Г ҳаётий шакиллари ва улушлари	Фитоценоз	Яшовчанлигии суратда ўсимликлар сонинг донага махражда %	Ўсимликлар бўйи, см	Пичан хосилдор лиги, ц/га
Буталар 25 %	Саксовил 25%	$\frac{0,7 \pm 0,04}{66,2}$	129,4±4,1	2,4±0,06
Ярим буталар 50%	Изин 12,5%	$\frac{2,1 \pm 0,09}{72,6}$	95,3±3,4	3,3±0,08
	Чўғон 12,5%	$\frac{2,0 \pm 0,06}{65,3}$	98,1±3,6	3,1±0,05
	Терескен 12,5%	$\frac{2,3 \pm 0,07}{68,1}$	82,3±2,9	3,2±0,09
	Қуйровуқ 12,5%	$\frac{1,8 \pm 0,06}{63,8}$	75,6±2,5	2,6±0,07
Ўтлар 25%	Астрагал 12,5%	$\frac{3,9 \pm 0,1}{73,4}$	89,3±3,0	3,6±0,1
	Эркакўт 12,5%	$\frac{6,9 \pm 0,2}{68,4}$	69,3±2,8	1,4±0,09
	Жами:			19,6 ц/га

Табиий яйловларнинг хосилдорлиги ўта паст (1,5-3,0 ц/га) бўлганлиги учун уларнинг хосилдорлигини ошириш асосий вазифа эканлиги сабаби сўнъий яйловлар барпо этишдаги асосий мақсад яйловлар хосилдорлигини ошириш хисобланади. Турли ҳаётий шакли бута (саксовул) ярим буталар (Изин, Чуғон, Терескен, Қуйровуқ) ва ярим кўп йиллик ўтлар (Астрагал, Эркак ўт) дан барпо этилган яйлов агрофетоценознинг хосилдорлиги гектор хисобида 19,6 центнерни ташкил этди. Сунъий барпо этилган агрофетоценознинг хосилдорлиги таббий яйловлар хосилдорлигидан 5-6 маротаба ортиқ эканлиги аниқланди.

Хуносалар:

1. Таббий яйловлар инқирозининг олдини олиш ва уларнинг ҳосилдорлигини ошириш учун сунъий яйловлар барпо этилиш ва улар куп таркибли агрофетоценозлар шаклида бўлиши мақсадга мувофик.
2. Агрофетоценозлар таркибидаги ўсимликлар 25-30 йил давомида муттасил юқори ҳосил тўплашини назарда тутсак, барпо этилган экинзорлардан кўп йиллар давомида фойдаланилади, сунъий барпо этилган агрофетоценозлар яйловлар ҳосилдорлигининг ошишига, ўсимликлар қопламида озўқа боп ўсимлик турлари миқдорининг ортишига сабаб бўлади, шунингдек экинзорларда чарва моллари томонидан йилнинг барча мавсумларида еғиладиган ем-хашакнинг бўлиши ҳам дикқатга сазовор.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Досбехов Б.А. методика полевога опыта М. "Колос" 1979-416 с.
2. Махмудов М.М. Халилов Х.Р. Научныс основы по улучшению карасулеводченихпастбиц. Зооветеринария, 2015, №10.-С.39-41
3. Рахматуллаев А. Ландшафты хребта Актау, их рациональное хозяйственной использование и охрана. Ташкент, Издательство "Фан", 1991-108 С.